



## ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ

Ибрагимова Камола Саидбориевна  
Ташкент Давлат техника университети

**Аннотация:** Мақолада енгил саноатда ташкил этилган кластер тизими таҳлили ва кластер моделини такомиллаштириш бўйича янги ташкилий тузилма таклиф этилган.

**Таянч сўзлар:** рақобатбардошлик, кластер, «Кластер модели», «Пахта - тўқимачилик кластери», сифат инспекцияси, инновацион марказ, таркибий тузилма.

Республика тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида юқори ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, модернизация қилишнинг стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига юқори технологияли янги иш ўринларини яратиш, корхоналарни техник ва технологик янгилаш, илғор «кластер модели»ни жорий этишга қаратилган таркибий қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жаҳон тажрибасидан маълумки, мамлакатда кластер сиёсатини амалга ошириш ҳудудлар ва саноат тармоқлари рақобатдошлигини ошириш омили сифатида кенг тарқалмоқда. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПФ-5285-сон фармонида Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноатини янада ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири этиб, пахта хом ашёсини етиштиришдан бошлаб унга дастлабки ишлов бериш, маҳсулотни пахта тозалаш корхоналарида кейинги қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулоти чиқариш босқичигача бўлган ишлаб чиқаришни интеграция қилишни назарда тутувчи ривожланишнинг кластер моделини амалга ошириш белгиланган. Юртимизда кластер моделини ташкил этиш орқали саноат тармоқлари самарадорлигини ошириш, тизимли ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, хорижий мамлакатлар тажрибаларидан самарали фойдаланиш орқали кластер моделини такомиллаштириш, ташкил этилаётган кластерларни халқаро бозорларда рақобатдошлигини таъминлаш тадқиқот ишининг долзарблигини кўрсатади. Қўлланилган методология Енгил саноатда кластерларни



ташкил этиш бўйича ҳорижий мамлакатлар тажрибаларидан самарали фойдаланиш орқали кластер моделини такомиллаштириш тадқиқот ишининг асосий йўналиши этиб белгиланди. Ишнинг асосий мақсади ташкил этилаётган кластерлар фаолиятини таҳлил этиш ёрдамида йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаш, таклиф ва хулосалар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Тадқиқот ишида иқтисодий таҳлилнинг қиёслаш, тизимли ёндашув, танланма кузатув, мантикий ёндашув каби услубларидан самарали фойдаланилди. Мамлакатимизда ташкил этилаётган «Пахта - тўқимачилик кластери» мамлакат иқтисодий тараққиётига таъсир этувчи ислохотлардан биридир. Кластер ёки саноат гуруҳи, географик жиҳатдан бир-бири билан қўшни бўлган муайян соҳада фаолият кўрсатувчи корхоналар гуруҳидир. Енгил саноатда илм-фан, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, инжиниринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маркетинг фаолиятлари ўртасида самарали алоқалар йўлга қўйилмаганлиги сабабли кластерларни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Кластерларни ташкил этишда аҳолини иш билан таъминлашдек муҳим жиҳат ҳам ўзини намоён этади. «Кластер» назарияси бўйича олимлар томонидан кўплаб илмий назариялар илгари сурилган. «Кластер» назарияси эволюциясидан унинг икки фундаментал тавсифини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Биринчиси – кластерга уйғунлашган корхона ва фирмалар фаолияти аниқ бир хил турдаги товарлар бозори билан боғлиқ бўлиши зарур. Бундай боғлиқлик вертикал (харид ва сотиш занжири) ва горизантал (қўшимча бўлимлар ва хизматлар, шунга кетадиган махсус сарфлар, технологиялар ёки институтлар ва бошқа алоқалардан фойдаланиш). Иккинчиси – кластерлар географик яқин жойлашган ўзаро боғлиқликдаги корхоналар гуруҳи бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг барқарорлашиши натижасида рақобатбардошликнинг ривожланиши, кўпроқ қўшимча қийматни яратиш ва бозорда сотилишига имкониятлар яратишдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5285-сон фармонининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллариини жорий қилиш, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ҳудудида жойлашган пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш пунктларининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон



Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 253-сон қарорига кўра, Фарғона вилояти Риштон туманида кластер ташкилотчиси этиб «Рус-Ўзбек текс» МЧЖ ҚК тасдиқланган. Фарғона вилоятининг Риштон туманида фермер хўжаликлари томонидан 2017 йилда жами 16764 минг тонна пахта ҳосили олинган бўлса, 2018 йилда 16207 минг тонна пахта ҳосилини тўқимачилик кластери ёрдамида олишга эришилди. 2018 йилда тўқимачилик кластери ёрдамида олинган пахта ҳосилининг 557 минг тоннага пасайишига асосий сабаб ўтган йилга нисбатан 1230 гектар пахта экин майдонига бошқа турдаги экинлар экилган. Туманга тўқимачилик кластерини жорий этиш натижасида 2017 йилга нисбатан гектаридан 4 ц кўп ҳосил олишга эришилган. Бунинг асосий сабаби, пахта етиштириш билан боғлиқ жараёнларга катта эътибор қаратилганлиги, яъни минерал ўғитлар, кимёвий усулда ўсимликларни ҳимоя қилиш каби воситалардан ўтган йилларга нисбатан кўпроқ миқдорда фойдаланилганлиги ҳисобланади. Шунингдек, туманда пахта хом ашёси ишлаб чиқариш бўйича 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 6910,2 млн сўм ортиқ фойда кўрилди, бунинг натижасида 2017 йилга нисбатан 12,2% ортиқ рентабелликка эришилди.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 февралдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4186-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5285сон фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 253-сон қарори.
4. Портер М. Конкуренция. Пер. с англ. – М.: «Вильямс», 2005. -С. 258.